ҲАР ҚАНДАЙ ШАРОИТДА ҲАМ ПАХТА ТАЙЁРЛАШ СУРЪАТИНИ БЎШАШТИРМАЙЛИК!

БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 201 (3429) | Жума, 14 октябрь 1966 йил. | Баҳоси 2 тийин.

● Сиз суратда Ўрта Чирчиқ районидаги Терешкова номли колхозининг механик-ҳайдовчиси Дилбар Усмоновани кўриб турибсиз. У шу бу йил кўкламда механизатор деган шарафли касбни эгаллади. Машина терими бошлангандан бери ўз агрегати билан пахта майдонида жавлон урриб, эл хирмонига барака киритишда ўзининг муносиб ҳиссасини қўшмоқда.

ТЕЗ ВА СОЗ ҚУРИНГ

Шаҳар ва қишлоқларимизга бир назар ташланг — ҳамма ерда қурилиш ишлари кенг кўламда олиб борилаётганлигининг гувоҳи бўласиз. Ҳа, ҳамма ерда бинокорлик — бунёдкорлик меҳнати мавж ураяпти. Янги-янги завод-фабрикалар, ҳашаматли маданий-маиший муассасалар биноларн, осмонўпар уй-жойлар, бутун-бутун массив ва посёлкалар, шаҳарлар қад кўтармоқда. Шу кунлардаги Тошкент бамисоли йирик қурилиш майдонини эслатади. Мамлакатимизнинг барча қардош республикаларидан келган минглаб бинокорлар ўзбек қурувчилари билан ёнма-ён, елкама-елка туриб, зилзила оқибатларини тугатиш, табиатнинг қўпол ҳазили натижасида бошпанасиз қолган оилаларни тезроқ уйлар билан таъминлаш иштиёқида тиним билмай меҳнат қилмоқдалар.

Янги беш йиллик план топшириқларини муваффақиятли бажариш, Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 49 йиллик байрамини муносиб тортиқлар билан кутиб олиш учун ўзаро мусобақалашаётган бинокорларимиз меҳнатда ажойиб ютуқларни қўлга киритмоқдалар. Улар қурилиш суръатини тезлаштириш, объектларни ишга тушириш муддатларини қисқартириш ва бошқа қатор техника-иқтисодий кўрсаткичларни оширишда дуруст натижаларга эришдилар. Бирқанча ишлаб чиқариш қувватлари фойдаланишга топширилди. Областимиз шаҳар ва қишлоқларида фақатгина давлат капитал маблағлари ҳисобига 400 минг квадрат метрдан ортиқ уй-жой майдони меҳнаткашлар ихтиёрига топширилди.

«Главташкентстрой» қурилиш трестлари ва бошқармалари колективларининг уй-жойлар қуриш борасида эришаётган ютуқлари чакки бўлмаяпти. Иил бошидан бери улар қуриб битказган уйлар ҳажми деярли 300 минг квадрат метрни ташкил этди. Бундан ташқари, 20 мингга яқин шикастланган квартиралар қайта тикланди. Қардош республикалардан келган бинокорлар бир йўла 160 дан ортиқ кўп қаватли уйларни бунёд этмоқдалар, бу турар-жойларнинг дастлабкилари ҳовли тўйларини ўтказиш арафасида турипти, йўлдош шаҳарча — Сергелида ҳиммати баланд жангчи қурувчилар бир неча уйни қўлдан чиқардилар.

Лекин, умуман олганда капитал қурилишда жуда катта камчиликларга йўл қўйилмоқда. Қурилиш планлари ойдан-ойга бажарилмаётир. Областимизнинг деярли барча шаҳар ва қишлоқларида саноат, уй-жой қурилиши учун ажратилган маблағлар тўла ўзлаштирилмаётир. Кўпчилик қурилиш трестлари зиммаларига юклатилган вазифанинг уддасидан чиқмаяпти, объектлар қурилишини чўзиб юбормоқда, харажатларни оширяпти, бинокорлик материалларининг ортиқча сарфланишига йўл қўймоқда.

«Главташкентстрой»га қарашли қатор бинокорлик ташкилотлари коллективлари жуда сust ишлашяпти. 3, 4, 5, 6, 153, 160-қурилиш трестлари, уйсозлик комбинати, ўнлаб бошқармалар шу йилнинг ўтган ойлари планини тўла ado этмади, айниқса, уй-жой қурилиши топширигини бажаришда судралмоқда. Масалан, «Главташкентстрой» ташкилотлари августда 26 минг квадрат метр уйни қуриб битказиши керак бўлгани ҳолда, бор-йўғи 9 минг квадрат метрга етар-етмас сатҳли турар-жойларни фойдаланишга топширган, холос. Сентябрь ойидаги иш якунлари ҳам бундан яхши бўлмади. «Алмаликсвинецстрой», 160-қурилиш трестларининг аксарият бошқармалари бу йил жуда қониқарсиз ишламоқда.

Қурилиш сифати ҳам кўнгилдагидек эмас. Ҳали ҳам кўпчилик қурилиш ташкилотлари раҳбарлари қурилиш сифатини яхшилашдек жуда муҳим масалага лозим даражада эътибор беришмаяпти, тез ва соз ишлашнинг аҳамиятини бинокорлар онгига сингдириш юзасидан тушунтириш ишлари олиб бормаяптилар. Бунинг оқибатида жуда кўп объектлар сифатсиз қурилмоқда, нуқсонларга, пала-партишликка йўл қўйилмоқда. Тошкентдаги 1, 15, 22, Олмаликдаги 4, Чирчиқдаги 2-қурилиш бошқармалари, Бекободдаги 704-УНР, Оҳангарондаги 6-қурилиш бошқармаларида шундай аҳволни кўриш мумкин. Бу бошқармалар маъмурияти, партия, касаба союз ташкилотлари қурилиш сифатига нисбатан бундай ўзи-бўларчилик кайфиятига хотима беришлари, ҳар бир бинокор иши устидан назоратни кучайтиришлари, «мендан кетгунча, эгасига етгунча» қабилида ишлаётган, бу билан қурувчининг муқаддас касби шухратига доғ тушираётган шахсларга нисбатан кескин чоралар кўришлари керак.

Беш йиллик дастлабки йилининг тугашига озгина вақт қолди. Бу давр ичида жуда катта ҳажмдаги капитал қурилиш ишлари амалга оширилиши зарур. Бу йил фойдаланишга топширилиши белгиланган барча объектларни қўлдан чиқариш, уларнинг пухта ва пишиқ, чидамли ва сифатли қурилишига эришиш, Тошкентда бошпанасиз қолган барча оилаларни янги уйлар билан таъминлашга ҳисса қўшиш — ҳар бир бинокорнинг муқаддас бурчидир. Барча бинокорлар сабот-матонат, ғайрат-шижоат билан меҳнат қилишлари, иш вақтининг ҳар бир дақиқасидан, мавжуд машина-механизмлар қувватидан унумли фойдаланишлари зарур. Ёнингарчиликлар, қиш мавсуми қурувчилар ишини янада мураккаблаштириб юборади, қўшимча қийинчиликлар туғдиради. Қурилиш майдонларини қишга тайёрлаш, бинокорларнинг совуқ-ёнингарчил и к мавсумида ҳам унумли ва сифатли ишлашларини таъминлаш учун қўшимча чора-тадбирларни амалга ошириш, қурилиш майдонларида бинокорлик материаллари сақланадиган сўрилар қуриш зарур.

Жойлардаги партия, касаба союз ташкилотлари ва хўжалик органлари ҳар бир объект қурилиши устидан муттасил назорат олиб боришлари, қурилишни планлаштириш, лойиҳалаш, моддий-техника воситалари билан таъминлашдаги камчиликларни тўла бартараф этишлари керак. Барча бинокорлик ташкилотлари коллективлари фаолиятидан доим кўз-қулоқ бўлиб туришлари, уларнинг қолоқлик сабабларини ўрганишлари ва бу камчиликларни тезда бартараф этишлари, зарур бўлса қурилиш ишини пухта биладиган, ишбилармонд кадрлар билан мустаҳкамлашлари, бинокорларга давлат планларини муваффақиятли ado этишлари учун амалий ёрдам беришлари зарур. Янги беш йиллик план топшириқларини муддатидан илгари бажариш учун бошланган социалистик мусобақанинг оммавийлигига эришиш, бу мусобақа давомида вужудга келган ҳар бир янгилик, прогрессив ҳаракатларни қўлаб-қувватлаш, илғорлар тажрибасини оммалаштириш лозим.

КПСС XXIII съезднинг беш йиллик план юзасидан Директиваларида таъкидланганидек «капитал маблағлардан энг кўп самарали фойдаланиш, янги қувватларни, уй-жой биноларини ва бошқа объектларни қисқа муддатларда ва энг кам сарфлар билан ишга туширишни таъминлаш, қурилиш ишларининг сифатини ошириш капитал қурилиш соҳасидаги асосий вазифадир».

ПУНКТИМИЗ ЖОНКУЯРЛАРИ

Бугун ҳамманинг кўнгли шодуҳуррам. Биз пахта қабул қилиш бўйича йиллик планимизни муваффақиятли бажардик.

Ишимиз борган сари унумли ва салмоқли бўлмоқда. Коллективимиз ўртасида меҳнат интизоми қаттиқ йўлга қўйилган. Мусобақа борган сари кенг қулоч ёйаётганлиги сабабли ҳам йиллик планимизни ўтган йилга қараганда тўрт кун олдин адо этдик. Хўжаликлардан салкам ўн минг тонна «оқ олтин» дурдонасини қабул қилиб олдик. Давлат омборига тушган пахтанинг қарийб 80 процента биринчи сортларга қабул қилинди.

Пунктимизда тоғ-тоғ «оқ олтин» хирмонлари қад кўтарди. Бундан икки-уч ҳафта илгари майдончаларимиз бўм-бўш эди. Ҳозир 25 ғарам салобат тўкиб турибди.

Улкан ғарамларни бунёд қилишда қишлоқ меҳнаткашларининг муносиб ҳиссаси бор. Мана пунктимизга кириб, бир боқинг-а. Йиғим-теримда кимнинг тезкорлик билан ишлаётганлигини бу ердаги ғарамлардан ҳам дарҳол пайқаб оласиз. Бу ғарамлардаги пахталар «Октябрь 40 йиллиги» колхози далаларида етиштирилган. Унинг ёнидагилар «Москва»лик деҳқонларники. «Партия XIX съезди» колхози аъзоларининг келтирган «оқ олтин»ларн ҳам кўз-кўз бўлиб турибди.

Ишчиларимиз деҳқонлар билан алоқани мустаҳкамлаганлар. Шунинг учун ҳам ишимиз доимо унумли бўлмоқда. Пункт ишчилари келтирилган ҳосилни тез қабул қилиб олиш учун ҳормайтолмай ишлаяптилар. «Оқ олтин» прицепларн дарвозадан киритилиши билан дарҳол анализ қилинади. Торозида тортилади. Транспортёрларга солинб тезда ғарам қилина бошланади. Кейин махсус машиналар ёрдамида тозаланиб бўлингач, пахта заводларига жўнатилади. Сиртдан қаралса бу иш процессининг ҳаммаси осонга ўхшайди. Йўқ, аслида шундай эмас. Коллективимиз аҳил бўлиб меҳнат қилаётганликлари туфайли ҳам бу ишларнинг ҳаммаси тез амалга оширилмоқда. Юк бўшатишда ва жўнатишда саксоларликка йўл қўйилмаяпти.

Районимизда 8 та пахта тайёрлаш пункти бор. Булар ўртасида социалистик мусобақа кучайган. Бу мусобақада ҳозир бизнинг коллективимиз пешқадамлик қилиб турибди. Меҳнатни ташкил қилишдаги ибратли ишларимиз маҳаллий партия ва хўжалик ташкилотлари томонидан бир неча марта тақдирланди. Мана, бир неча факт. Бир ўн кунликда йиллик планнинг 32,5 процента миқдорида пахта қабул қилиб олдик. Эришилган бундай улкан муваффақиятни мустаҳкамлаш учун барча чораларни кўрдик. Ғайратга-ғайрат қўшиб ишладик. Оқибатда иккинчи ўн кунликдаги кўрсаткичлар янада салмоқли бўлди. Йиллик планнинг 51 процента миқдорида пахта ҳосилини қабул қилиб олишга муваффақ бўлдик. Бундай ютуқларни қўлга киритишда ғарамловчилардан София Адгамова, Ариша Муслимова, Звида Миняева, Звида Тоғаева, Гулсун Боймирзаева, Саъдулла Ҳолтоев, Пиримча Ҳусанов, механизатор Маҳкам Қосимжонов, Феда Югай, Ҳасан Темирхонов каби ишда толиқмас ғайратли кишиларимизнинг хизмати айниқса катта бўлди. Уларнинг ҳар бири 2—3 кишининг ишини бемалол бажаряптилар.

Ишимиз баракали бўляпти. Кунига 290—300 та пахта ортилган прицеплар пунктимизга келиб турибди. Бу белгиланган нормадагига қараганда анча кундир. Шунга қарамай, коллективимиз ўз зиммасига юклатилган вазифаларни сидқидил бажаряпти.

Маррага етдик. Лекин бу билан кифояланиб қолмаймиз. Ҳали дадада тонна-тонна «оқ олтин» ётибди. Биз колхозчи деҳқонлардан тезроқ ҳосилни йиғиштириб олиб жўнатишларини сабрсизлик билан кутаяпмиз. Мақсадимиз бу йил камида 11 минг тонна пахтани қабул қилиб олиш. Бу муҳим вазифани шараф билан бажарамиз.

Ғаниевой ДАЛИБОЕВ,
Янгийўл районидаги «Пахта» пунктининг мудири.

ИЛҒОРЛАРГА ҚИЗИЛ БАЙРОҚЛАР

Тошкент область партия комитети ва область ижроия комитети районлар, колхозлар ва совхозлар ўртасида сабзавот, картошка, полиз экинлари маҳсулотлари, мева ва узум ҳосилининг йиғиштириб олиш ва давлатга сотиш юзасидан олиб борилаётган социалистик мусобақанинг октябрь ойи биринчи ўн кунлиги якунларини кўриб чиқдилар.

Ўзбекистон КП Тошкент область комитети ва область ижроия комитетининг кўчма Қизил байроғи **Бўка районига** (район партия комитетининг секретари **Ражабов**, район ижроия комитетининг раиси **Қодиров**, район қишлоқ хўжалиги бошқармасининг бошлиғи **Содиқов** ўртоқлар), берилди. Бу районда кейинги ўн кунлик мобайнида давлатга сабзавот сотиш бўйича 22,1 процент, картошка бўйича 10,1 процент, полиз экинлари маҳсулотлари бўйича 9,0 процент, узум бўйича 15,4 процент ўсишга эришилган ва йиллик планнинг 160,2 процента миқдорида сабзавот, 95,6 процент миқдорида полиз экинлари маҳсулотлари, 64,5 процент миқдорида картошка, 61,7 процент миқдорида узум ва 44,4 процент миқдорида мева етказиб берилди. Байроқ Ўрта Чирчиқ районидан олиб берилди.

Давлатга сабзавот, полиз экинлари маҳсулотлари ва узум сотишда Ўрта Чирчиқ районининг хўжаликлари, сабзавот ва узум сотишда Юқори Чирчиқ районининг хўжаликлари яхши ишлаётганликлари қайд қилиб ўтилди.

* * *

Область партия комитети ва область ижроия комитети давлатга каноп пояси сотиш юзасидан колхоз ва совхозлар ўртасида олиб борилаётган социалистик мусобақанинг октябрь ойи биринчи ўн кунлиги якунларини кўриб чиқдилар.

Ўзбекистон КП Тошкент область комитети ва область ижроия комитетининг кўчма Қизил байроғи Оққўрғон районидаги **Свердлов номли колхозга** (раиси **Юсупов**, партия ташкилотининг секретари **Бобомуродов**, комсомол ташкилотининг секретари **Раҳимов**, бош агрономи **Бобомуродов**, бош инженери **Пак**, бош бухгалтери **Содиқов** ўртоқлар) берилди. Колхоз кейинги ўн кунликда каноп пояси сотишда 10,2 процент ўсишга эришган ва йиллик планни 82,4 процент адо этган.

Область партия комитети ва область ижроия комитети давлатга каноп пояси сотиш йиллик планини областда энг биринчи бўлиб бажарган «Политотдел» колхози лубкорларининг яхши ишлаётганликларини қайд қилиб ўтдилар.

ЛЕНИНОБОДЛИКЛАР РАПОРТИ

Областимиз ғалаба, манзилига яқинлашган сари «оқ олтин» хирмонимиз тобора кўкка бўй чўзмоқда. Азамат пахтакорларимиз мана шу улкан зафар арафасида ҳар бир ғаниматм дамдан унумли фойдаланиб, теримда суръатга суръат, ғайратга янада ғайрат қўшиб меҳнат қилмоқдалар. «Оқ олтин» далалари шижоаткорларига бир зафар кетидан иккинчи зафар кучоқ очмоқда.

Кеча Бўка районидаги «Ленинобод» колхози миришкор пахтакорлари ҳам маррага етиб келдилар. Она-Ватанга пахта тайёрлаш йиллик планини барвақт бажарганликлари ҳақида хушнудлик билан рапорт бердилар. Колхоз меҳнат аҳли давлат омборларига шу кунгача 1325 тоннадан зиёд дурдона етказиб берди. Ҳосилнинг асосий кўпчилик қисми юқори сортга қабул қилинди.

Бу катта зафарга колхознинг Умматқул Аҳмадов, Темур Чориев ўртоқлар бошлиқ бригадалари аъзолари муносиб ҳисса қўшдилар. Бу бригадаларнинг пахтакорлари гектаридан пландаги 20 центнер ўрнига 25 центнердан хирмон кўтариб, планни 130 процентдан адо этдилар.

Планнинг барвақт бажарилишида терим машиналари айниқса катта мададкор бўлди. «Пўлат от» дарғалари терим вақтида жасорат кўрсатдилар. Далаларда 16 «зангори кема» жавлон урди. Уларнинг бункеридан ҳозиргача эл хирмонига тўкилган пахта 670 тоннадан ошиб кетди. Бу йиллик планнинг қарийб ярмига тенг.

Механизаторлар колхозда ҳақиқатан ҳам дала хўжайини бўлиб қолишди. Бу йилги мавсумда машинага чин меҳр қўйган ана шу механизаторлар бошлиқ звеноларда катта ютуқларга эришилди. Теримда ҳам комплекс механизациялашган звенолар пешқадамлик қилди. Улар шу кунгача планларини 140—145 процент бажариб қўйдилар. Моҳир механик-ҳайдовчилардан Мурод Носиров, Абдуқул Эгамбердиев, Жонон Байрамов каби марду-майдонлар ҳозиргача ўз машиналари бункеридан 60 тоннадан ошириб пахта тўкишди.

Эришилган муваффақиятдан руҳланган колхоз пахтакорлари она-Ватанга планга қўшимча яна 250 тонна «оқ олтин» етказиб бериш мақсадида ғайрат камарини белга маҳкам боғлаган ҳолда меҳнат қилишяпти.

УЗУМ ВА ПОЛИЗ ЭКИНЛАРИДАН МЎЛ ХОСИЛ

Узбекистон ССР Марказий статистика бошқармасидан хабар беришларига қараганда, республикамиз қишлоқ хўжалик ходимлари яна янги бир ғалабани қўлга киритдилар. Узум ва полиз маҳсулотлари тайёрлаш давлат плани муддатидан илгари — шу йил 10 октябрда ошириб бажарилди.

Пландаги 135 минг тонна ўрнига 141 минг тоннадан зиёдроқ ширин-шакар узум тайёрланди. Тошкент, Самарқанд ва Бухоро областлари узум тайёрлаш планини бирмунча ортиғи билан адо этдилар.

Республика бўйича пландаги 165 минг тонна ўрнига қарийб 172 минг тонна полиз маҳсулотлари тайёрланиб, йиллик план муваффаниятли адо этилди.

Республикамизда узум ва полиз маҳсулотлари тайёрлаш давом этмоқда.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумида

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг 1966 йил 12 октябрдаги Фармонига мувофиқ Оржоникидзе районининг маъмурий маркази Оржоникидзе посёлкасидан Қибрай қишлоғига кўчирилди.

ИККИ ХУШХАБАР

Маррага яқинлашиб қолган машъал Оққўрғон районидаги бир қанча хўжалик аллақачон маррага етган эди. Кўни кеча Оққўрғондан яна хушхабарлар келди. Райондаги Свердлов номли ва «Ленинизм» колхозларининг пахтакорлари ҳам йиллик планни ортиғи билан адо этишибди.

Свердлов номли колхоз давлатга 1405 тонна юқори сифатли пахта етказиб берди. Хўжалик механизаторлари шу ҳосилнинг 1310 тоннасини «зангори кема»лар билан териб олишди. Йиғим-теримни қизғин давом эттираётган колхоз деҳқонлари планга қўшимча равишда яна 300 тонна «оқ олтин» сотишга аҳд қилдилар.

«Леннинизм» колхозининг деҳқонлари 1100 тонналик хирмон уйишди. Илғор механик-ҳайдовчилардан Т. Анорбеков, Т. Иброҳимов, Н. Сарсенов сингари ўртоқлар ўз агрегатлари билан 70—75 тоннадан пахта териб олишди. Колхоз пахтакорлари қўшимча 250 тонна «оқ олтин» сотиш мажбуриятини олдилар.

Бу ҳар иккала колхоз меҳнаткашлари пахта тайёрлаш планини бажариш билан бир қаторда давлатга гўшт, сут, тухум ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари сотиш топшириқларини ҳам тўла адо этдилар.



● Бўка районидаги Кировчи пахта тайёрлаш пунктида «оқ олтин» хирмонлари тобора кўкка бўй чўзмоқда.

А. Абаян фотолари.

323.000 ТОННА ТОШКЕНТ пахтаси учун

ОБЛАСТЬ РАЙОНЛАРИДА ПАХТА ТАЙЁРЛАШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА 13 ОКТЯБРГАЧА БЎЛГАН

МАЪЛУМОТ

(Планга нисбатан процент ҳисобида)

Районлар	Бир кунда терилган	Мавсум бошидан	Бир кунда машинада терилган	Мавсум бошидан бери машинада терилган
Оққўрғон	1,94	95,92	1,95	109,72
Юқори Чирчиқ	2,97	93,41	7,13	195,76
Бўка	2,27	88,82	2,49	108,82
Ўрта Чирчиқ	2,08	87,59	2,72	103,04
Калинин	1,95	85,05	2,25	78,75
Оржоникидзе	1,54	83,73	3,50	92,40
Бекобод	1,73	81,41	1,53	87,03
Янгийўл	2,08	79,31	2,84	86,92
Область бўйича	2,07	87,18	2,41	103,07



Украиналик қурувчилар Тошкент марказида 130 минг квадрат метр уй-жой майдони қуриб берадилар. Ҳозир «Украина» микрорайонида янги уйлар қад кўтаряпти. Уларни бетон билан таъминлаш мақсадида қоришма бетон тайёрлаш узели барпо қилинди. У соатига 15—30 кубометр бетон тайёрлаб беради.

Суратларда: (чапдан ўнгга) узел оператори А. Диденко. Ўртадаги суратда одессаликлар қурилиш майдони тасвирланган. Ўнгдаги суратда эса қоришма бетон тайёрлаш узели.

Б. Мазур фотоси. (ЎзТАГ фотохроникаси).

СОВЕТ ҲОКИМИЯТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

БЎРОНЛИ ЙИЛЛАР ОБИДАЛАРИ

ҲОЗИР бутун мамлакат бўйлаб бахт-саодатимиз таянчи Совет ҳокимияти ўрнатилган кунинг 50 йиллигини нишонлашга қизғин тайёргарлик кўрилмоқда. Мактаблар, саноат корхоналари, ишчи ва қишлоқ клублари, маданият саройларида бўлиб ўтаётган учрашув давраларида революция ветеранларининг бўронли йиллар ҳикояси мароқ билан тингланмоқда, революцион ўтмишимиз қуйланган китоблар саҳифаси фахр билан варақланаётир, музейларнинг ноёб экспонатлари ўзгача қизиқиш билан томоша қилинмоқда.

Шу билан бирга Иттифоқимиздаги ҳар бир йирик шаҳар, жумладан Тошкентимизнинг революцион ўтмиши вориси бўлган ёдгорликлар — обидалар ҳам диққат-эътиборга сазовордир. Халқимиз авайлаб сақлаётган бу жойлар Совет ҳокимиятининг 50 йиллиги яқинлашиб келаётган ҳозирги дамда ўзига ҳос бир зиёратгоҳга айланган.

Ҳурматли ўқувчи! Келинг, сиз билан ана шундай зиёратгоҳларнинг айримларига ташриф буюрамиз, у жойларда бўронли йилларда рўй берган воқеалар билан ошна бўламиз.

«ОЗОДЛИК УЙИ»

ПОЙТАХТИМИЗДАГИ «Комсомол XXX йиллиги» кинотеатрини ким билмайди дейсиз. Бироқ Гоголь ва Советская кўчалари бурчагида қад кўтариб турган бу бино кўпгина революцион воқеаларнинг шоҳиди, шаҳримиз тарихида «Озодлик уйи» номи билан машҳур эканлигидан ҳаммаларнинг ҳам хабари бўлмаса керак.

Бу ерга қўйилган мемориал тахтачада қуйидаги сўзларни ўқиймиз: «1917 йилдан 1921 йилгача бу ерда ишчи, солдат ва деҳқон депутатларининг Тошкент Совети жойлашган эди». 1910 йилгача шаҳар жамоатчилиги мажлиси эгаллаб келган мазкур бинога 1917 йилда «Озодлик уйи» деб ном берилади. Унда Ишчи ва солдат депутатлари Тошкент Совети ва большевиклар партияси шаҳар комитети ишлаб турган.

1917 йил 2 мартда тузилган Ишчи ва солдат депутатлари Тошкент Совети контрреволюцион вақтли ҳукматга қарши, Октябрь социалистик революцияси ғалабаси учун курашга шаҳарнинг рус ва ўзбек меҳнаткашларини жипслаштиришда муҳим роль ўйнайди. Бинобарин, Тошкент Совети Туркистондаги чор мустамлака маъмуриятини агдариш ва корниловчиликка қарши кураш ташаббускори, ишчи ва солдатлар оммаси революцион чиқишларининг ташкилотчиси бўлди.

Маълумки, Совет ҳокимияти ўрнатилгач, улкан яратувчилик ишлари авж олиб кетади. Туркистон Қизил гвардиясини ташкил этиш, хўжалик ва маданий ҳаётда дастлабки социалистик ўзгаришларни амалга оширишда ва пролетариат диктатураси душманларини бостиришда ҳам Тошкент Совети ўйнаган роль беқиёс бўлган.

«ИШЧИЛАР ИСТЕҲКОМИ»

ТОШКЕНТДА социалистик революциянинг ғалаба қозонишида Урта Осиё темир йўлининг Бош мастерскойи ҳал қилувчи роль ўйнаган. Шаҳар пролетариатининг асосий кадрлари ана шу корхонага уюшган бўлиб, улар чор самодержавиесига қарши курашда ўз революцион традицияларига эга эдилар. Ҳозир Октябрь революцияси номли завод жойлашган бинолар, яъни мастерскойлар биноси 1900 йилда қурилган. 1905—1907 йилларда ҳам бу мастерской революцион чиқишлар маркази бўлган.

Мамлакатда Октябрь революцияси етилиб келаётган бир пайтда темир йўлнинг Бош мастерскойида кўпли большевистик ташкилот мавжуд эди. Шу ташкилотнинг таклифи билан корхона ишчилари 1917 йилнинг августидаёқ ҳокимиятнинг дарҳол Советлар қўлига ўтиши тўғрисида резолюция қабул қилган эдилар. Большевикларнинг чақириғи билан Тошкентда сентябрь ойида умумий забастовка (20—27 сентябрь) бошланганида Бош мастерской ишчилари биринчи бўлиб ишни тўхтатадилар. Улар кетидан трамвайчилар, матбаачилар ва бошқалар иш ташлайдилар.

Маълумки, Петроградда революция ғалаба қилганлиги тўғрисидаги хабар Тошкентга 27 октябрда етиб келади. Эртаси куни, 28 октябрь тонги соат 6 да Бош мастерскойнинг гудоги янграйди. Бу кўзғолон учун берилган сигнал эди. Ишчилар истеҳкомига айлантирилган Бош мастерской кўзғолоннинг марказига айланиб, революцион штаб шу ерга жойлашади. Қизил гвардиячи ишчилар отряди ҳам шу ерда тузилади. Мастерской ҳақиқатан ҳам мустаҳкам истеҳкомлигини кўрсатди. Вақтли ҳукумат қўшинлари бу ерга ёриб кира олмади. 28—29 октябрь кунлари ишчилар юнкерлар ва казакларнинг барча хужумчиларини муваффақиятли равишда қайтариб турдилар. 30 октябрда бу ерга ўзбек ишчилардан иборат, Октябрь кўзғолонида актив иштирок этган қуролли дружина келиб қўшилади. Шу куниёқ революция кучлари шаҳарнинг марказий районларига қатъий хужум бошлайдилар. Орадан бир кун ўтгач эса, Тошкент тепасида ғалаба қозонган кўзғолоннинг қизил байроғи ҳилпирайди — шаҳарда Совет ҳокимияти ўрнатилади.

«СОЮЗЛАР УЙИ»

КАРЛ МАРКС ва Киров кўчаларининг бурчагида қад кўтариб турган бино «Союзлар уйи» (кейинчалик номи Меҳнат Саройи деб ўзгартирилади) гражданлар уруши йилларида рўй берган кўпгина тарихий воқеалар билан машҳурдир. Революциягача бу бино «Д. Н. Захо, синовьяи Ко» деб аталган савдо уйига тегишли бўлган. 1918 йил 8 августда эса национализация қилинади. Ушанда Тошкент Советининг қарорида бу уй мазкур ерда ишчилар уйи тузиш учун касаба союзлари Тошкент Советига берилади. Тошкент шаҳрининг барча ишчи ташкилотлари, барча касаба союзлари, меҳнат биржаси, Полторацкий номидаги кутубхона, ишчилар клуби ва бошқалар шу ерга жойлашишлари керак, деб кўрсатилган.

Шундан сўнг бу бино шаҳар ишчилари келиб турадиган жуда гавжум, жўшқин ҳаёт манзилига айланади. Юзлаб ишчилар ўз талаб-эҳтиёжлари билан Тошсовпрофга, шаҳарнинг йирик касаба союз ташкилотларига мурожаат қилиб турганлар, жуда кўп касаба союз сафарбарликларида шу ернинг ўзида ишчи отрядлари тузилган, Тошкент пролетариати шу ерда Коммунистик партия атрофига жипслашганлигини, янги жамият қуриш ишига садоқатини намойиш қилган.

Бу бино комсомол тарихи билан ҳам боғлиқдир. 1918 йил 30 ноябрда шу ерда Тошкент комсомол ташкилотининг биринчи йиғилиши ўтказилиб, Туркистон ёшлар союзини туза бошлашга асос солинади.

«ПРАВДА ВОСТОКА» КЎЧАСИДА...

ЎЛКАДАГИ ички реакцион кучлар ва чет эл интервенциясига қарши курашда ҳал қилувчи роль ўйнаган Туркистон фронти штаби «Правда Востока» кўчасидаги «Шарқ» меҳмонхонаси биносида жойлашган.

1920 йил 22 февралда Самара (ҳозирги Куйбишев) шаҳридан фронт қўмондони М. В. Фрунзе Тошкентга келади. В. В. Куйбишев Революцион Ҳарбий Совет аъзоси эди. Кейинчалик у Туркфронт Сиёсий бошқармасининг бошлиғи бўлади. Куйбишев Тошкентга 1919 йил 4 ноябрда келган.

Ўрта Осиё ташкилотларининг ташкили, мураббийси буюк Ленининг содиқ сафдошлари М. В. Фрунзе ва В. В. Куйбишев раҳнамолигида Туркистон фронти қўшинлари контрреволюционнинг бирлашган кучларига ўнгарилмас зарба берадилар.

Шу кўчадаги ҳозирги Свердлов номли концерт зали ҳам кўпгина тарихий воқеалар гувоҳидир. Бу ерда Туркистон Коммунистик партияси ва Туркистон республикаси Советларининг съездлари тўпланган. 1913 йилда қурилган ва революциядан илгари «Колизей» номи билан машҳур бўлган бу бинода М. В. Фрунзе ва В. В. Куйбишев тез-тез нутқ сўзлаб турибдилар. Бу ерда 1922 йилда Г. К. Оржоникидзе раҳбарлигида РКП(б) МК Ўрта Осиё бюроси пленумининг биринчи мажлиси бўлади. Мазкур мажлис Туркистон, Бухоро ва Хоразм компартиялари ҳамда совет органларининг бирлашишига ёрдам бериб, улар фаолияти учун тўғри йўл-йўриқларни кўрсатиб берган. Туркистон Марказий Ижроия Комитетининг 1924 йил 15 сентябрдаги фавқулодда сессияси ҳам шу бинода иш олиб борган. Бу тарихий сессия миллий чегараланиш ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилади. Мазкур қарор эса СССР Марказий Ижроия Комитетининг 1924 йил 27 октябрдаги иккинчи сессиясида тасдиқланиб, давлат қонуни сифатида кучга киради. Шундай қилиб, бу сана бугунги серқуёш, социализмнинг Шарқдаги машъали — Ўзбекистон Совет Социалистик Республикамиз туғилган кун сифатида тарих саҳифасига ёзиб қўйилди.

Т. НАЖМИДДИНОВ

МУКОФОТ МУБОРАК

Мамлакат энергетикасини ривожлантириш етти йиллик планининг топшириқларини бажаришган муваффақиятлари учун СССР Олий Совети Президиумининг 1966 йил 4 октябрдаги Фармонига мувофиқ СССР энергетика ва электрлаштириш министрлигига қарашли корхона ва ташкилотлар ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларидан катта бир группаси СССР орден ва медаллари билан мукофотландилар. Шу жумладан:

ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ БЎЙИЧА

ЛЕНИН ОРДЕНИ БИЛАН

Ильин Михаил Николаевич — «Средазэнергомонтаж» трести Тошкент участкасининг бошлиғи.

Каримов Каримулла Сагитович — «Узсельэлектрострой» трести 5-қурилиш-монтаж бошқармасининг мастери.

Қаҳҳоров Одил — «Узбекгидроэнергострой» трести ихтисослашган ишлар бошқармасининг мастери.

Мирзалолов Илёс Мирсандович — «Узбекгидроэнергострой» трести Оҳангарон бошқармасининг участка бошлиғи.

Перерва Михаил Афанасьевич — «Узбекгидроэнергострой» трести механизациялашган ишлар Бош бошқармасининг экскаватор машинисти.

Салагаев Виктор Константинович — Тошкент электро тармоқлари старший мастери.

Шавлев Валентин Иванович — Оҳангарон ГРЭСи цех бошлиғи.

МЕҲНАТ ҚИЗИЛ БАЙРОҚ ОРДЕНИ БИЛАН

Бойматов Иминжон — Оҳангарон ГРЭСи қозон старший машинисти.

Жильцов Александр Михайлович — Ўзбекистон ССР энергетика ва электрлаштириш министрлиги ихтисослашган ремонт-ишлаб чиқариш корхонасининг слесари.

Калонов Садриддин Зокирович — «Средазэлектросельстрой» трести бошқарувчиси.

Карпович Антонина Осиповна — «Узбекгидроэнергострой» трести Оҳангарон бошқармаси бетончилар бригадасининг бошлиғи.

Қурбонов Ҳусан — Фарҳод ГЭСи кран машинисти.

Ҳушназаров Анорбой — Оҳангарон ГРЭСи слесарлар бригадасининг бошлиғи.

Мирахмедов Мирвосиқ — Тошкент электр тармоқлари Ортоникидзе райони мастери.

Москалёв Ванифантий Степанович — «Гидроспецстрой» трести Ўзбекистон бошқармасининг газ электр пайвандчиси.

Палатов Тимофей Афанасьевич — «Узбекгидроэлектрострой» трести автотранспорт конторасининг электриги.

Парасков Евгений Семёнович «Средазэнергомонтаж» трести Тошкент участкасининг старший иш юритувчиси.

Сандов Мирсодиқ Сандович — Тошкент электр тармоқлари директори.

Сладков Михей Макеевич — «ТашГРЭстрой» қурилиш бошқармасининг дурадгори.

Филин Николай Митрофанович — «Электросибмонтаж» трести 9-участка электромонтёрлар бригадасининг бошлиғи.

Ҳожимуродов Қурбон — Чорвоқ ГЭСи қурилиш бошқармаси гишт терувчилар бригадасининг бошлиғи.

Хашаев Хамит Шарифанович — «Узбекгидроэнергострой» трести ихтисослашган ишлар бошқармаси слесарлар бригадасининг бошлиғи.

Ҳусанов Зиннат Губаевич — «Узбекгидроэнергострой» трести бошқарувчисининг ўринбосари.

Шпрунг Владимир Оттович — «Теплоэлектропроект» институти Ўрта Осиё бўлимининг инженер-конструктори.

ҲУРМАТ БЕЛГИСИ ОРДЕНИ БИЛАН

Абаев Шомил Иброҳимович — Қодирия ГЭСи старший мастери.

Абутхонов Мавлен — «Средазэлектросетьстрой» трести комбинатининг слесари.

Алкаров Зайдулла — «Узбекгидроэнергострой» трести механизациялашган ишлар бошқармасининг экскаватор машинисти.

Аҳмедов Темир Амирсандович — Тошкент ГРЭСи цех бошлиғининг ўринбосари.

Бобохонов Ислом Камолович — Тошкент электр тармоқлари газ электр пайвандчиси.

Баликоев Борис Тимуркановича — «Узбекгидроэнергострой» трести разрез қурилиши бошқармасининг бошлиғи.

Баришников Фёдор Дмитриевич — Чорвоқ ГЭСи қурилиш бошқармаси гишт терувчилар бригадасининг бошлиғи.

Бобович Лев Исидорович — Ўзбекистон ССР Госплани бўлим бошлиғи.

Борисов Григорий Иванович — «ВНИПИсельэлектро» институти Ўрта Осиё бўлимининг бош мутахассиси.

Букинга Дмитрий Афанасьевич — Ўзбекистон ССР энергетика ва электрлаштириш министрлиги Бош бошқармаси бошлиғининг ўринбосари.

Деморецко Федор Дмитриевич — «ТашГРЭстрой» қурилиш бошқармаси комплекс бригадасининг бошлиғи.

Дробов Александр Васильевич — Ўзбекистон ССР энергетика ва электрлаштириш министрлиги хизмат бошлиғи.

Дрон Осман Сейдаметович — «Средазэлектросетьстрой» трести 49-механизациялашган колонна электр линиячилари бригадасининг бошлиғи.

Егоров Федор Александрович — Оҳангарон ГРЭСи партия комитетининг секретари.

Жучков Николай Семёнович — «ТашГРЭСстрой» қурилиш бошқармаси электр монтёри.

Загидуллин Шамил — «Узбекгидроэнергострой» трести механизациялашган ишлар бошқармасининг экскаватор машинисти.

Звонцов Авдей Авдеевич — Чорвоқ ГЭСи қурилиш бошқармаси бошлиғининг ўринбосари.

Иброҳимов Шароф Гузеирович — «Узбекгидроэнергострой» трести комбинатининг арматурачиси.

Эшхонов Мўмин — Тошкент электр тармоқлари Бекобод районининг мастери.

Қодиров Ҳожитдин — Ўзбекистон ССР энергетика ва электрлаштириш министрининг ўринбосари.

(Давоми бор).

Қирғизистонлик бинокорлар қўлидан бирин-кетин турар-жой бинолари чиқаяпти.

Суратда: қирғизистонлик электр пайвандчи Виктор Кудашеев янги бино конструкцияларини пайванд қиляпти.

А. Абалян фотоси.

БЕЗОРИГА ШАФҚАТ ЙЎК

(«ГЛАВТАШКЕНТСТРОЙ» ПАРТИЯ ХЎЖАЛИК АКТИВИ ЙИҒИЛИШИ)

□ □ □

«Главташкентстрой» партия-хўжалик активининг йиғилиши КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг «Жиноятчиликка қарши курашни кучайтириш тадбирлари тўғрисида»ги қарорини муҳокама қилишга бағишланди. Мазкур масала юзасидан «Главташкентстрой» партия комитетининг секретари ўртоқ **А. А. Каприелов** доклад қилди.

КПСС Марказий Комитети ва Иттифоқ ҳукумати, дейди нотиқ, меҳнаткашларнинг осойишта ҳаёт кечиришлари ва тинч меҳнат қилишлари учун доимо ғамхўрлик қилиб келмоқда. Бизнинг социалистик жамиятимизда текинхўрлар, безорилар, социалистик яшаш қоидаларини бузувчиларга ҳеч қандай шафқат бўлиши мумкин эмас. Зероки, социалистик яшаш қоидаларини бузиш ва айниқса, жиноятчиликни тугатиш коммунистик жамиятга ўтишнинг муҳим факторларидан биридир.

Тошкент бинокорлари олдида жуда улкан вазифалар турибди. «Главташкентстрой» қурилиш ташкилотлари йил охиригача 470 минг квадрат метр турар-жой биносини фойдаланишга топшириши, 1 ноябрга қадар 23 минг квартирани ремонт қилиши ва тиклаши лозим. Шунинг билан бир қаторда йирик саноат корхоналари, маъмурий бинолар ва маданий-маиший объектларни қуриб битиришлари керак. Қўли гул қурувчилар шу йилнинг тўққиз ойи ичида 304 минг квадрат метр турар-жой биносини тошкентликларга тухфа этдилар. 19 минг квартира ремонтдан чиқарилди. Кўпгина турар-жой бинолари байрам арафасида тошкентликларга топширилади.

Кўпгина партия, касаба союз, комсомол ташкилотлари ўз коллективларида ташкилотчилик ва сиёсий-тарбиявий ишларни уюшқоқлик билан олиб бориб, кишиларни ижодий меҳнатга сафарбар этмоқдалар. Улар коллективларда идеология ишларини ҳам кўнгилдагидек олиб бормоқдалар.

Бироқ, қурилиш трестлари, бошқармаларда социалистик қонун-қоидаларимизни бузувчи, бинокор деган шарафли номни оқлайолмаётган кишилар ҳам учраб турибди.

—Биз,—дейди ўртоқ А. Каприелов, ана шундай ёмон сарқитларга қарши кескин кураш олиб бормоғимиз лозим. Бунга аввало, коммунистлар, комсомоллар, қурилиш ташкилотларининг раҳбарлари қатъий киришишлари шарт.

Трестлар, бошқармалар ва қурилиш участкалари партия ташкилотлари КПСС Марказий Комитети СССР Министрлар Советининг жиноятчиликка қарши кураш тадбирларини кенг пропаганда қилишлари лозим. Жамоат тартибини бузиш, меҳнат интизомига риоя қилмаслик, прогулчилик ҳолларини йиғилишларда муҳокама қилиш ва айбдорларга нисбатан шафқатсиз чора кўриш пайти келди. Қурувчилар орасида рўй бераётган айрим ноҳўя хатти-ҳаракатлар сиёсий-тарбиявий ишларимизнинг ҳали етарли даражада эмаслигининг натижасидир.

Ёш бинокорларнинг ишдан бўш вақтларида нима билан шуғулланаётганлиги партия ва комсомол ташкилотларининг диққат марказида турмоғи керак. Лекция пропагандаси ва идеология ишининг барча формаларидан тўла фойдаланилгандагина кишиларни баракали меҳнат сари сафарбар этиш имконияти туғилади. Кўнгилли халқ дружиналари, ўртоқлик судлари ва халқ контроли группалари фаолиятини кескин яхшиламоғимиз керак.

Ўртоқ А. Каприелов доклади юзасидан бўлган музокараларда 153-қурилиш трести партия комитетининг секретари М. Орлов сўзлади. Нотиқ қурилиш трести коллективи ўртасида олиб борилаётган сиёсий-тарбиявий ишлар ҳақида тўхталиб ўтди. КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг жиноятчиликка қарши кураши кучайтириш тадбирлари тўғрисидаги қарори, деди у, барча қурилиш участкалари ҳамда бригадаларда ишлаб чиқилади. Ана шу масала юзасидан конкрет тадбирлар белгилаб чиқдик. Ўртоқлик судлари ва дружиначилар безориликкга қарши курашда партия ташкилотига яқиндан ёрдам бермоқда. Коллективимизда меҳнат интизомини бузган, ноҳўя хатти-ҳаракат қилган ҳар бир қурувчи қаттиқ изза қилинади. Деворий газета ва «Жанговар варақа»ларда танқид қилинади. Бироқ ҳали қурувчи ёшларимиз ўртасида меҳнат интизомини ва жамоат тартибини бузувчилар ҳам учраб туради. Трест партия, касаба союз ва комсомол ташкилотлари жамоатчилик тартибига риоя қилмаслик ҳоллари содир бўлмаслиги учун зарур чораларни кўради.

6-қурилиш трести бошқарувчисининг кадрлар ва маиший хизмат бўйича ўринбосари **Л. А. Брагинский** қурувчилар шаҳарчасида олиб борилаётган сиёсий-тарбиявий ишлар ҳақида гапирди. Бу ерда ёшларнинг маданий ҳордиқ чиқаришлари учун шароит етишмайди. «Главташкентстрой» партия комитети бу масалада ёрдам бермоғи керак, дейди у. Кўпгина қурилиш майдонларида қизил бурчаклар йўқ.

3-қурилиш трести ўртоқлик судининг раиси **Дементьев** кишиларни тарбиялашда жамоатчиликнинг роли ҳақида сўзлади. У трестда олиб борилаётган тарбиявий ишлар ҳақида ва содир бўлаётган камчиликлар тўғрисида партия-хўжалик активи йиғилиши қатнашчиларига гапириб берди.

Доклад юзасидан бўлган музокараларда «Главташкентстрой» комсомол комитети секретарининг ўринбосари **В. Рвидин** «Главташкентстрой» ҳузурида тузилган «Билим» жамияти бўлимининг масъул секретари **К. Қамбарова**, 1-пардозлаш трести 12-қурилиш бошқармаси раиси **Ю. В. Гора** ва бошқа ўртоқлар қатнашдилар.

Партия-хўжалик активи йиғилиши муҳокама қилинган масалалар юзасидан қарор қабул қилди.

Ш. ҚОСИМОВ.

ҲУКУМАТ МУКОФОТЛАРИ ТОПШИРИЛАДИ

12 октябрда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг мажлислар залида Ўзбекистон халқ хўжалиги ва маданиятининг турли тармоқларида ишловчи ходимлардан катта бир группасига Совет Иттифоқининг орден ва медаллари топширилди. Бу ходимлар ана шу мукофотга етти йиллик план топшириқларини бажаришда эришган муваффақиятлари ва кўп йиллик самарали ишлари учун сазовор бўлган эдилар. СССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Е. С. Насриддинова СССР Олий Совети Президиумининг топширигига мувофиқ ана шу мукофотларни топширди.

Социалистик Меҳнат Қаҳрамонлари — «Таштекстильмаш» заводининг токари Николай Иванович Орловга ва «Средазнефтегазстрой» трести старший ишлар бошқарувчиси Василий Иосифович Бевзюкка Ленин ордени ҳамда «Ўроқ ва Болга» олтин медали топширилди.

Е. С. Насриддинова мукофотланганларни ҳукуматнинг юксак мукофотлари билан самимий қутлади ва уларга ишда янги муваффақиятлар тилади. (ЎзТАГ).

БУХОРОЛИКЛАР ЕНГ ШИМАРДИ

Улар Бухорода қўплаб турар-жойлар бунёд этишган.

Мана ҳозир бухороликлар шоввозлар Чилонзорнинг 24-кварталида енг шимариб дастлабки турар-жой биноси қурилишини бошлаб юборишган. Олдинига улар бироз қийналишди. «1-464АСП-11» серияли бинони монтаж қилиш топширилган эди меҳмонларга. Бу лойиҳада қуриладиган иморат 8 балли ер силкинишларига ҳам парво қилмайди, бухороликлар ишни дастлаб янги серияли бино лойиҳасини ўрганишдан бошлашди. Ишчи чертёжларини ўртада муҳокама қилишди, конкрет вазифаларни белгилаб олишди.

Эртаси куни икки экскаватор икки томондан бино пойдеворини қазишга киришди. Икки ярим метр чуқурликдаги қавза пайдо бўлгач, эстафетани бетончилар қўлга олишди. Арматурачилар ҳам бетончилар билан ёнма-ён боришди. Бир сидра қўйилган қоришма устига арматура тўрини қоплаб чиқишди. Ҳар 30—40 сантиметр қалинликдаги бетон орасига яна йўғон металл арматуралар пайванд қиланди. Владимир Чебатарёв бошлиқ коммунистик меҳнат бригадаси аъзолари бу мураккаб операцияни моҳирлик билан бажаришди.

25 асамат бир ойга қолдирмай 80 квартирали турар-жой пойдеворини қўйиб бўлди. Арматурачи Жамол Расулевнинг ҳам, бетончи Николай Верешчагининг ҳам, қўйиғчи қаманинг ҳиссаси бор эди бунда.

Ҳозир қурилиш майдонида меҳнат икки сменада ташкил этилган. Энди пойдеворлар устида монтажчилар енг шимаришган. Улар Чирчиқ темирбетон буюмлари комбинатидан етиб келаётган девор панелларини эҳтиёт билан монтаж қилишяпти. Ҳадемай Бухородан яна қўшимча ишчи кучлари етиб келади. Шунда иш суръати тағин ҳам ошади. Айтилган муддатда бино фойдаланишга топширилади. 25 декабрь сўнгги марра, дейишяпти улар. 80 оила янги йилни янги уйларда кутиб олади.

Ж. НОСИРОВ.

ЯНА БИР КОМБИНАТ

Чирчиқ шаҳрида яна бир маиший хизмат кўрсатиш комбинати аҳолига хизмат қилабошлади. Бу янги комбинат кийим тикиш, пойафзал ремонт қилиш, фотография, сартарошлик, химчистка, радио ва телевидение ремонт қилиш ва бошқа бўлимларга эга. Комбинат эндигина иш бошлаган бўлса-да, таклиф ва истаклар дафтарига кўпгина яхши сўзлар ёзилди.

М. АФЗАЛОВ.

(ЛАВҲА)

ДЕҲҚОН ЧЕҲРАСИ ХАНДОН

Кўз ўнгимизда миришкор деҳқон пахтазорлари. Ёз бўйи у тўккан тер дур бўлиб қайтибди бугун. Эндигина терак бўйи кўтарилган қуёш зархаллари қаҳ субҳидам шабнами кўтарилмаган соғсиз-саноқсиз чаноқ лардан қайнаб тошган олтин нуқраларда акс этиб, нур бўлиб ўйнаб жилоланади. Қараган кўзларни қувонтириб, бир жаҳон ҳузур бахш этади. Юз-қўлларига муздай урилиб енгил эсаётган шабада ўз қанотига нўшиқ индириб ташиб келади. Бу кўшиқнинг маскани пахтазор. Ҳўв ўша бошларини дурралари билан тангиб олган қиз-жувонлар қўша-қўш этак бойлаб дурдона тераётган пайкал.

Ҳадемай шабнам кўтарилди. Эгат бошларида жиловлаб қўйилган пўлат отларнинг тизгини бўшатилди. Чоғланиб турган суворийлар шу пўлат отларга устма-уст қамчи босишди. Эҳ-ҳе, ана энди кўринг. Пахтазорда чинакам кураш бошланиб кетди. Жўшқин ҳаёт, қайноқ меҳнат нафаси бутун борлиғи билан уфрмоқда ҳозир.

Эгнида жамокор, пешона тангинган Исмоил бугун ҳам биоинчи бўлиб майдонга тушди. Ёнида касбдоши Михаил Галин. Орадан бир пиёла чой ичгунча фурсат ўтгани йўқ. Ўнлаб «зангори кема»ларнинг ҳайқириқлари пахтазор осмонини тўлдириб юборди. Йигитларнинг қадоқ қўллари рулда-ю, лингоҳлари дам олга, дам ортга боқади. Машина равон юраяптими, шидделлар соз ишлаяптими, пахта эгатларига тўкилиб колаётгани йўқми? Ҳар бир суворийнинг фикри-зикри, ҳаёли ана шунда. Бункерларни эртароқ тўлдиришда, прицеплар карвонини эртароқ йўлга узатишда!

Ҳаракат, кураш борган сари авж олаяпти. Шидделлар дамига тортаётган «оқ олтин» нуқралари оппоқ қор бўлиб, бункерларга ёғилади. Пешмапеш прицепларга бўшатилади, тобора хирмонга барака кирадi. Шофер, тракторчиларчи, умридан барака топишсин. Улар «пўлат от» суворийларидан орқада қолишмайди. Ҳар бир машина, ҳар бир тракторга учтўрттадан прицеп уланган. Йўлга тушганда кўринг. Бамисоли поездлар карвони, дейсиз. Ахир ўзи бўладими?! Звено, бригаларда кунига саккиз-тўққиз, колхоз бўйича-чи беш-олти процентдан. Бунақа тезкорликни бундан уч-тўрт йил илгари ким кўрибди, дейсиз. Иккидан оширилган куни деҳқон қувончини кўрсангиз! Ёғин-сочиннинг юзини кўргудек бўлиб қолса бормi? Э, аттанг, бармоқ тишларди. Ёғин-сочинлн кунларнинг озмунча ташвиши бормi? Сушилка, ўтин, кўмир, керосин, одам...

— Машинанинг садагаси кетсанг арзийди, — ҳалидан бери шу кенг пахтазорларга, жавлон ураётган «зангори кема» капитанларига кўнгли тўла меҳр билан боқиб турган раис ҳаёлидан ўтказарди, — ҳаммаси мана шу машинанинг шарофати.

Раис Юнусали ака ўзини ҳар қачонгидан ҳам бардам, тетик сезарди. Кўзларида шодлик, юзида табассум ўйнарди. У деҳқонга қанот, унга мадокор бўлган мана шу одамларга, пўлат отларнинг жиловини маҳкам тутган суворийларга хушхабар олиб келган эди.

Дала шийпони. Қўли гул одамнинг қадам изи сезилиб турибди бу ерда. Бир қулоқ сув оқаётган ариқ бўйидаги садқ райҳонлар, анвойи гуллар киши баҳрини очади. Куз шабадаси шу гуллар ияроғининг дудоқларидан бироз чимдиб ўтган бўлса ҳам ҳали хазон ранги ораламаган. Одамлар баҳра олсин, деб атр буйларини сочиб турибди. Ҳалол меҳнатдан кейин бундоқ ёйилиб дам олса арзийдиган файзли бу шийпон.

Раис бундан икки ҳафта илгари бу ерга келганида Исмоилни, Михаил Галинни, ака-ука Ягор, Қобил, Хобил Аслоновларни қўлини олганди. «Баракалла, қишлоғимизнинг каттадан-кичиги сизлардан мамнун. Планни дўндириб қойил қилдинглар, азаматлар», деб миннатдор бўлган эди. Бугунчи у шу ердагиларнинг ҳаммасидан, пахтага ким меҳнат қилган бўлса, ким тер тўккан бўлса ана шуларнинг ҳаммасидан вақти чог.

Колхозимиз бўйича йиллик план 110 процентдан ошди, — деди ниҳоят Юнусали ака суворийлар йиғилишгач, — раҳмат, ҳаммангларга минг раҳмат, яшанглар!

Шу пахтазор қаҳрамонлари, марду майдонлари шаънига яраша сўз тополмасди раис ҳозир. Аммо унинг кўз қарашларидан кучли эҳтиромни, иззат-икромни уқиб олиш қийин эмас эди. Ҳудди шу пайт ошпаз хола келтирган қайноқ чойдан раисга бир пиёла узатар экан, Исмоил хотирасига бир нарса келгандай кулиб деди:

— Мусобақадошларимиз нима дейишаяпти, тан беришгандир?

— Жуда ҳам катта кетиб юбормайлик, — юзига табассум югирган ҳолда вазмин гап бошлади раис, — қўйнидан тўқилса қўнжига дейдилар, ахир қўшнимиз, беллашишдан мақсад бундоқ бир-биримизга елкадош бўлиш. Улар орқада қолиб кетишса сен билан бизнинг ҳам белимиз қайишади ука.

— Шундоқликкка шундоғ-а, аммо лекин аввал ўзлари катта кетишганди,—деди Исмоил. — улоқни олиб кетадиган ўзимиз, бировга бериб қўядиган аноийй йўқ, деган ўшалар эмасмиди?!

Ҳа, тўғрисига кўчиш керак. Шунақа гап бўлган эди. Теримга киришилган дастлабки кунларда Пискент шаҳридаги истирохат боғи яқинида қизил карвон бўлди. Ўшанда қўшни «Партия XX съезди» колхози карвонини олдда ўтди. Туқсон тонна юки бор эди карвонда. Бу йиллик планнинг тўрт процентини босарди. «Ўтган йили районда биринчи бўлганимиз, бу йил ҳам совринни ўзимиз оламиз» дейишган-ди ўшанда. Юнусалиакалар колхозичи? Ўтган йили қўшилардан бироз орқада қолиб, иккинчиликни олиб қолишган эди. Қизил карвон кунида бўлиб ўтган ана шу гап-сўзлардан кейин Исмоил, Михаил, Ягор, Қобил, Хобиллар тоқат қилиб тура олишармиди.

— Юнусали ака, — дейишганди боғдаги сайлда, — майли, катта кетишаяпти, уддасидан чиқишса қандини уришсин, аммо лекин бу йил улардан бир кун бўлса ҳам маррага олдин етсак етамиз-у, ортда қолиб ютқизмаймиз.

Раис чой ҳўплар экан, мана шуларни бирма-бир хотирга олди. Ҳўш, қўшни колхоздагилар ишни бўшаштириб юборишдими? Йўқ, астойдил бел боғлаб курашишди. Бу колхозда ҳам «зангори кема»лар бетиним ишлади. Хирмонга кундан-кунга барака кирита боришди. Лекин нима ҳам қилишсин. «Октябрь 40 йиллиги» колхозининг суворийлари ялдамлик қилиб кетишди. Улоқни бир тақимларига босганларича сира бўшатмадилар-да. Мана бугун маррага етиб, вақтлари чоғ бўлиб, ўтиришибди.

— Ҳали олдимизда катта ишлар турибди, — сўзларди раис, — довон ошдик, бу яхши. Энди ваъдага вафо қилмогимиз керак. Гектаридан йигирма бешдан кам бўлмайди деганмизми, эр йигитнинг гапи икки бўлмаслиги шарт.

Колхоз миришкорлари минг гектар ернинг ҳар гектаридан салкам йигирма икки центнердан хирмон кўтаришди. 2150 тонна пахта «зангори кема» бункерларидан тўкилди. Шунча катта курашнинг уддасидан чиқа олган марду майдонлар бундан буёғини ҳам қойил қилишга қодир ва қобил кишилар.

Раис нариги бригадага йўл олаётганида шу ерга йиғилганларга бир гап айтиб кетди:

— Қўшни колхоз раиси Миргаҳҳор ака ҳозиргина ёнимдан ўтиб кетдилар. Ҳаҳ-ҳаҳ, ҳаҳ-ҳаҳ, ҳаҳ-ҳаҳ,

КАТТА ЁРДАМ

ЗИЛЗИЛА натижасида турар-жойлари шикастланган кишиларга давлатимиз жуда катта ёрдам кўрсатаётганлиги ҳаммага маълум. Пойтахт аҳолисига ёрдам кўрсатиш учун давлат томонидан 5 миллион 900 минг сўм пул ажратилган эди. Шу кунгача 4 миллион 459 минг сўм пул 34 минг 511 онлага тақсимланди. Яқин вақт ичида қолган 1 миллион 100 минг сўм маблағ ҳам табиий офат туфайли зарар кўрган пойтахт хонадонларига тарқатилади.

Бундан ташқари «Узлесстройторг»нинг базаларида бепул қурилиш материаллари олиш учун аввал 1 миллион сўм ажратилган эди. Яқинда Ўзбекистон ҳукумати яна 1 миллион сўм пул ажратди.

ЯНГИ КИНОТЕАТРЛАР

ПОЙТАХТДАГИ бир неча кинотеатрларнинг биноларн зилзила туфайли вайрон бўлди. Янгидан қишки кинотеатр заллари барпо этилгунча, ёзги кино театрлар биноси қишга мосланади. «Хива» ёзлик кинотеатри 800 тамошабин учун мослаб қайта қурилади.

Бу йил яна бир неча ана шундай кинотеатр қурилиши бошлаб юборилади. Оқлондаги ёзги кинотеатр ёнига 820 ўринли яна бир томошахона тушади. Чигатойда ҳам 800 ўринли кинотеатр қурилиши планлаштирилган. Бу ерда бир неча фойе қурилади, концерт зали ҳам бунёд этилади. Ҳозир Ҳамза кўчасида 800 томошабин сиғадиган яна бир кинотеатр қад кўтармоқда.

ТЕЛЕФОН ХИЗМАТИ ЯХШИЛАНАДИ

ТОШКЕНТДА авж олиб кетган уй-жой қурилиши алоқачилар олдига масъулиятли, янгидан-янги вазифалар қўймоқда. Алоқа министрлигининг давлат лойиҳалаш институти ходимлари ҳозирги вақтда телефон станцияларини кенгайтириш, янгиларини қуриш бўйича қатор муҳим лойиҳаларни ишлаб чиқдилар. Шу йилнинг ўзидаёқ Куйбишев районинг автомат-телефон станцияси 2 минг номерга кўпаяди. Ҳозирги вақтда ҳар бири 6—8 номерга эга бўлган бешта станция қурилишининг лойиҳалари тузилмоқда. Улар пойтахтнинг ҳамма районларида ўрнатилади. Келаси йил бошида эса, Ленин районн, кейинчалик Октябрь ва Чилонзор районларининг автомат-телефон станциялари лойиҳалари тайёр бўлади.

САҲНАМИЗ ГУЛИ

Олисдан найнинг ёқимли овози эшитилади. Унинг сеҳрли, оромбахш садоси яқинлашган сари сизни ширин-ширин орзу хаёллар чулғаб олади, кўнгил қуйларингиз унга қўшилиб ҳаётнинг азим дарёсида мавжланиб оқади. Сеҳрли садо қиз қалбини завққа тўлдиради-да, уни ўйинга чорлайди. Мана, қиз гул-гул ёниб турган юзидаги севинчларини рақс меҳри билан ифода этиш учун қаламдай қошини қоқиб, товусдай товланиб аста-аста саҳнага кириб келади. У ноз билан рақсга тушади, кимнидир излайди, ҳар тарафга ибо билан назар ташлайди. Муҳаббат боғига илк бор қадам қўйган қиз ўз севгисини ёрига ошкор этгуси келади, аммо уни ифода эта олмайди. Чунки унда қизлик иффати кучли. У севгисини сир тутиб йигит кўнглини синаётгандай...

Раққосанинг қушдай енгил ҳар бир ҳаракати, мимикаси, товусдай раф-тори, гулдай нозик туриши, шўх боқишлари нақадар жозибали. Бу рақсни томоша қилар экансиз, ҳамма ташвишларни унутасиз-да, умрингизга умр қўшилгандай концерт залидан хурсанд бўлиб чиқасиз. Шунда санъатнинг қудратига, бастакорга ва айниқса истеъдодли бу раққосанинг санъатига офарин дейсиз.

Биз ҳикоя қилаётган ўйин, Муҳаммаджон Мирзаев музикаси асосида яратилган «Гулноз» рақсидир. Унинг ижрочиси рақс боғининг чаман гули, чинакам ҳаёт гули, халқимизнинг фахри, саҳнамизнинг кўрки, истеъдодли раққоса Қундуз Миркаримовадир.

Бизни мафтун этган унинг «Гулноз» рақси кимни кўнглига тўлқин солмаган?! Кимни ҳаяжонга солиб, кимга олам-олам завқ бағишламаган, дейсиз.

— Мен ҳам кўплаб санъаткор ҳамкасбларим қатори санъатни жон-дилим билан севаман. Санъат даргоҳига зўр ихлос, юксак умид билан қадам қўяр эканман, етук устозларим қўлида яхши таълим олишга ҳаракат қилдим,— дейди Қундуз опа, у яна рақс ҳақида ғурур билан сўзлайди, — рақсларимда шарму-ҳаёли ўзбек қизлари — бахтли ўзбек халқининг фаровон ҳаёти, ҳис-туйғуси, орзу-умиди, пок муҳаббати, ғайрат ва жасорати, шарафли меҳнатини тараннум этиш ишқи билан яшайман.

Ҳа, чиндан ҳам у ижро этган рақсларда ўзбек қизининг ички дунёси, орзу-ўйлари мужассамланган. Етук истеъдод эгасининг ажойиб маҳорати унинг санъатга бўлган зўр иштиёқи, бетиним машқ қилиши, машаққатли меҳнат натижасида сайқал топиб кенг қанот ёзмоқда.

Қундуз Миркаримова ёшлик чоғларида «Балет» мактабига кириб ўқийди. Кейинчалик Москвадаги Большой театр қошида очилган хореография билим юртига ўқишга киради.

У студентлик чоғларида ўз устида қунт билан ишлаб Ўрта Осиё ва Европа халқларининг ўйинларини мукаммал ўрганиб олишга астойдил ҳаракат қилади. Бетиним меҳнат, ижодий изланишлар бекор кетмади. Натижада якка ўйинларни ҳам пухта ижро этиш қобилиятига эга бўлди.

Қундуз Миркаримова 1955 йилда Варшавада бўлиб ўтган жаҳон ёшлари ва студентларнинг V фестивалида дугоналари билан қатнашиб фестиваль лауреати деган шарафли номга эга бўлди. У ўз ҳамкасблари билан биргаликда Хитой, Ҳиндистон, Бирма, Афғонистон, Сурия мамлакатларида бўлиб, ўзининг нафис санъати билан кўпчилик қалбидан жой олди. Жаҳон халқларининг турли классик ўйинларини пухта ўрганиб, ҳ мамлакатлардан ўз репертуарларини бойитиб қайтди.

У ижро этган «Бухороча ларзон», «Помирча», «Жонон», «Тановар» каби рақслар Ўрта Осиё халқлари куйлари асосида яратилган бўлиб, унда халқларнинг руҳи, ҳис-ҳаяжонлари, урф-одатлари — ҳаммаси ўзининг ёрқин ифодасини топган.

Қундуз Миркаримова репертуаридан салмоқли ўрин олган ва ўз ижоди билан яратилган «Ғайратли қиз» ўйинида миришкор, чаққон, меҳнат фронтида ҳормайтолмай жавлон ураётган ўзбек қизи гавдаланади. Унинг бу ўйинидаги оригиналлиги, дадил қадам ташлашлари, жозибали ҳаракатлари томошабинда нозик ҳис уйғотади, севинчига севинч қўшади.

Қундуз Миркаримова ижро этган рақслар ўз нафислиги, содда ва ҳаётийлиги билан кўпгина раққосаларнинг ўйинларидан ажралиб туради. Моҳир раққоса ўз санъат маҳоратини тинмай камол топтирмоқда. У ўз репертуарини янги, замонавий, гўзал ўйинлар билан бойитмоқда. Миркаримова шу кунларда «Баҳор тонги», ва «Чўл ироқ» куйларига янги рақсларини яратиш учун ўз устида қунт билан ишламоқда.

Қундуз опа 1953 йилдан бери Ўзбекистон ССР давлат филармониясида хизмат қилади.

Раққоса саҳнада ўйнаши билан бирга ёш талантларни тарбияламоқда. Хореография мактабида муаллима-устоз бўлиб ишлаяпти. У ўз шогирдларига санъат саҳасидаги барча тажрибаларини мукаммал ўргатишга, келажакда моҳир раққосларнинг етишиб чиқиши учун астойдил ҳаракат қилмоқда. У кўп йиллик самарали меҳнати учун 1956 йилда Ўзбекистон ССР да хизмат кўрсатган артист деган фахрли номни олишга муяссар бўлди. Шунингдек бир неча марта Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиқлари билан мукофотланган.

Қундуз опа етук санъаткор, уста раққоса, тажрибали педагоггина эмас, балки меҳрибон она ҳамдир. Унинг Баҳодир, Абдулфотиҳ деган ўғиллари, Маъмура деган жажжигина қизи бор. Кичкина Маъмура санъат боғининг илк нечагига ўхшайди. У рақсга тушишда онаси изидан бормоқда. Ўғли Абдулфотиҳ музика ишқибози. У Успенский номли музика мактабида таҳсил олмоқда. Фортепьянода яхшигина куйлар чалади. Қундуз опанинг турмуш ўртоғи Ҳамид Раҳимов Тошкент Давлат консерваториясининг ректори. Таниқли композитор. Ҳа бу оила санъаткорлар оиласидир.

Севимли раққосага ва унинг қувноқ санъаткор оиласига чин кўнглимиздан янгидан-янги муваффақиятлар тилаймиз.

Нилуфар ХОЛХЎЖАЕВА.

ЕР ЯНА СИЛКИНДИ

Пойтахт аҳолиси кеча ер яна икки бор силкинганлигини ҳис этди. «Тошкент» сейсмостанциясидан редакциямизга маълум қилишларича станция асбоблари маҳаллий вақт билан соат 17 дан 10 минут ўтганда 6 балл, соат 17 дан 17 минут ўтганда 3 балл куч билан ер қимирлаганлигини рўйхатга олган.

Бу галги силкинишларнинг эпицентри ҳам аввалги жойда — шаҳар маркази тубида.

САНЪАТКОРЛАР КОЛХОЗДА

Республикада хизмат кўрсатган артистлар Дони Зокиров ва Фахриддин Содиқов бошлиқ «Мақом» ансамбли қатнашчилари Янгийўлдаги Ленин номли колхозчилар ҳузурига меҳмон бўлиб келишди. Бу юз кишилик «Мақом» ансамблининг биринчи концерти эди.

Пахтакорлар баракали меҳнатдан кейин колхоз клубига тўпландилар. Улар солистлардан Муҳаббат Шамаева, Гулшан Хасанова, Жамила Йўлдошева ва бошқа санъаткорларнинг қўшиқларини мароқ билан тингладилар.

Республика радиоэшиттириш ва телевидение Давлат комитети дала меҳнаткашларига, совхоз ишчиларига, саноат, қурилиш, транспорт ходимларига маданий хизмат кўрсатишни янада яхшилаш мақсадида янги тадбирлар белгилади. Созанда ва бастакорлар, хуш овоз қўшиқчилар тез-тез жойларга чиқиб турадилар.

Ш. ШАРИПОВ.

ШАХМАТ

КУБОК „БУРЕВЕСТНИК" ҚОМАНДАСИДА

Шаҳар XII спартакиадаси программасига киритилган шахматчилар мусобақаси тугади. «Меҳнат», «Буревестник», «Локомотив», «Спартак», «Динамо» жамиятлари ва округ офицерлар уйининг шахматчилари сакниз кун давомида голиблик учун куч синашдилар.

Дастлабки турларда пешқадамни аниқлаш қийин бўлди. Ғоҳ бир команда олдинга ўтиб кетса, ғоҳ иккинчиси уни қувиб ўтарди. Сўнгги икки тур олдидан «Динамо» командасинда 7,5: 2,5, «Спартак» 6:4 ҳисобида енгган «Буревестник» командаси биринчи ўринга чиқди.

«Меҳнат» командаси голибдан бир ярим очко фарқ билан (29 очко) иккинчи ўринни эгаллади. Темирйўлчилар командаси 28 очко билан учинчи ўринга чиқди.

Голиблар спорт жамиятлари ва ташкилотлари союзи шаҳар Советининг кўчма кубоги ва биринчи даражали дипломи билан тақдирланди.

В. БУДАЙ,
мусобақаларнинг бош судьяси.

«ИНТЕРНАЦИОНАЛ» ОРЗУСИГА ЭРИШДИ

Жаҳонда энг кучли клуб командаларидан ҳисобланган Италиянинг «Интернационал» клуби футболчилари Москвага, «Торпедо» командаси билан жавоб матчи ўтказгани келганида, команда тренери Э. Эррери: дуранг бизни қаноатлантиради, деган эди. Торпедочилар эса қурашни давом эттириши учун фақат ғалаба (ғалаба бўлганда ҳам икки тўп фарқ билан) керак эди. Бироқ ўйин 0:0 ҳисобида дуранг бўлиб тугади. «Торпедо» Европа чемпионлари кубоги мусобақаларининг навбатдаги этапида қатнашиш ҳуқуқидан маҳрум бўлди.

ПЕШҚАДАМЛАР МАҒЛУБИЯТИ

Иккинчи лиганинг учинчи группасида пешқадамлик қилаётган «Политотдел» ва «Олга» командалари навбатдаги турда муваффақиятсизликка учрадилар. Тошкент областининг футболчилари Владивостокда «Луч»дан 0:1 ҳисобида енгилди. «Олга» эса Кемеровода «Кузбас»га худди ана шундай ҳисобда ютқазди. Группадаги бошқа матчлар қуйидаги натижалар билан тугади: «Нефтяник» (Фарғона) — «Иртиш» (Омск) — 2:0, «Шахтёр» (Қарағанда) — «Темп» (Барнаул) — 3:2, «Энергетик» — СКА (Хабаровск) — 2:1, «Восток» (Усть-Каменогорск) — СКА (Новосибирск) 3:1 «Строитель» — (Уфа) — «Звезда» (Пермь) — 3:0.

ТОШКЕНТЛИК МЕРГАННИНГ КУМУШ МЕДАЛИ

Тошкентлик мерган, «Динамо» жамияти аъзоси Анатолий Воличенко Киевда ўтказилган Бутуниттифоқ шахсий команда биринчилигида қатнашиб, катта муваффақиятни қўлга киритди. У мусобақанинг биринчи кунида тўппончада қаракатдаги нишонларга отишда 300 имкониятдан 295 очко тўплади. Эртаси куни ҳам худди шунча очко тўплаб иккинчи ўринга чиқди. Программанинг бу турида жами 590 очко олган А. Воличенко кумуш медаль билан тақдирланди ва мамлакат терма команда составига киритилди.

Дунё ХАБАРЛАРИ

МАМЛАКАТЛАР
ОДАМЛАР
ВОҚЕАЛАР

ВДР ТАШҚИ ИШЛАР МИНИСТРЛИГИНИНГ БАЁНОТИ

ХАНОЙ. (ТАСС). Вьетнам информация агентлиги хабар беради: Таиланд маъмурларининг Камбоджа-Таиланд чегарасидаги янги нғвогарлик ҳаракатлари муносабати билан Вьетнам Демократик Республикаси ташқи ишлар министрлиги баёнот эълон қилди.

Баёнотда айтиладики, яқинда Камбоджа ҳарбий хизматчилари патрули Баттамбанг вилоятида Таиланд солдатлари томонидан Камбоджа территориясига кўмилган минанинг портлаши натижасида ҳалок бўлди.

Қўшма Штатлар ва Сайгондаги қўғирчоқлар, дейилади яна баёнотда, Камбоджа-Жанубий Вьетнам чегарасида кетмакет нғвогарлик қилаётган бир пайтда, Таиланд маъмурлари Қўшма Штатларнинг фармойишига биноан, Камбоджа-Таиланд чегарасида бузғунчилик ишларини авж олдирмоқдалар. Вьетнам Демократик Республикасининг ҳукумати Таиланд маъмурларининг Камбоджа короллигига нисбатан қилаётган ана шу жиноий ҳуружларини қаттиқ қоралайди ва бу ҳуружларга қарши қатъий норозилик билдиради.

Вьетнам халқи, деб таъкидлаб ўтилади баёнотда, қардош Камбоджа халқининг Америка империалистлари ва уларнинг гумашталари томонидан қилинаётган бундай ҳаракатларга қарши олиб бораётган ҳаққоний курашини. Камбоджа халқининг ўз мамлакати мустақиллиги, суверинитети ва бетафлиги учун олиб бораётган курашини қатъиян қўллаб-қувватлайди.

БАШИР БУМАЗА ИСТЕЪФО БЕРДИ

ЖАЗОИР. (ТАСС). АПС агентлиги Жазоир Халқ Демократик Республикаси революцион кенгаши раиси Хуари Бумиддин маҳкамасининг қуйидаги хабарини маълум қилди:

«Революцион кенгашнинг раиси Югославияга жўнаб кетиш арафасида Башир Бумазага унинг ўз вазифаларидан озод қилинажагини билдирди.

Бу қарор мамлакатнинг ва революциянинг манфаатларини кўзда тутиб қабул қилинди».

ПАРИЖ. (ТАСС). Жазоир ҳукуматида информация министри лавозимини эгаллаган Башир Бумаза октябрь ойининг бошларида Швейцарияга борди ва Франс Пресс агентлигининг мухбири билан суҳбатда «ҳозирги Жазоир ҳукумати билан алоқани узаман», деди. Башир Бумаза оппозиция гуруҳлардан биринги раҳбар органи, яъни «жазоир революциясининг подполиядаги ташкилоти миллий кенгаши»нинг аъзоси эканлигини айтди.

Чет эл агентликларининг эслатиб ўтишича, Башир Бумаза бир қанча министрлик лавозимларини эгаллаган, шу жумладан Бин Белла ҳукуматида экономика министри бўлган ва Жазоир Халқ Демократик Республикасининг ҳозирги революцион кенгаши составидаги икки граждан шахснинг бири бўлган.

Макнамаранинг хатарли сафари

ОСЛО. (ТАСС). «Дагбладет» газетаси бош мақоласида қуйидагиларни ёзади: «жаҳоннинг ҳалокат ёқасига келтириб қўйилишни қўл қовуштириб, бамайли хотир кузатиб туролмаймиз». АҚШ мудофаа министри Макнамаранинг Жанубий Вьетнамга қилган сафари, деб таъкидлайди «Дагбладет» газетаси, «урушнинг янада кучайтирилишидан далолат бериши, шу кунларда Вашингтонда ва Сайгонда қабул қилинаётган қарорлар Вьетнам халқи учунгина эмас, балки бутун дунё учун ҳам мудҳиш оқибатларга сабаб бўлиши мумкин».

Газета Норвегия ҳукуматини Американинг Вьетнамдаги урушни кучайтираётганлиги муносабати билан мамлакатимизда ташвиш кучайиб бораётганлигини Қўшма Штатларга ошкора маълум қилишга даъват этади.

ЎЗ ҲУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛМОҚДАЛАР

ИТАЛИЯ

● РИМ. Триестда полиция билан намойишчилар ўртасида қаттиқ тўқнашишлар бўлди. Италия матбуотининг хабарларига қараганда, ана шу тўқнашишлар натижасида 70 киши ярадор бўлган ва полиция 500 кишини қамоққа олган.

Триестдаги кемасозлар ва порт ишчиларидан 6 мингдан ортиқ киши ҳукуматнинг кемасозлик саноатини қисқартириш, жумладан, Триестдаги йирик «Сан Марко» кемасозлик корхонасини ёпиш планига қарши норозилик билдириб намойишга чиқди.

Италия Коммунистик партиясининг Сиёсий Бюроси баёнот эълон қилди. Сиёсий Бюро ва баёнотда полициянинг зўравонлигига қарши норозилик билдирди. Сиёсий Бюро кемасозлик саноати тўғрисидаги масалани парламент сессиясида қараб чиқишни талаб қилди.

Специя шаҳридаги «Муджано» кемасозлик корхонасининг ишчилари ҳукуматнинг кемасозлик саноатини қисқартириш планига қарши норозилик билдириб, жуда катта «Маре Артико» кемасини сувга туширишдан бош тортдилар.

ЖАНУБИЙ АФРИКА РЕСПУБЛИКАСИ

● НЬЮ-ЙОРК. Жанубий Африка Республикасидаги олтин конларида ишлаётган 500 га яқин оқ танли кончилар иш ташладилар. АП агентлиги мухбирининг хабар беришича, иш ташловчилар ҳукуматнинг назорати остида касаба союз раҳбарларини сайлашни, касаба союз уставларини қайтадан кўриб чиқишни ва маъмурият томонидан яқинда ишдан бўшатилган кон ишчиларини ишга қайтаришни талаб қилмоқдалар.

Ташкилий комитет оқ танли кон ишчиларининг ҳаммасини ишни тўхтатишга чақирди ва забастовка Жанубий Африка Республикасида олтин чиқаришни 85 процент камайтиради, деб ўйлайди.

Африканинг кон ишчилари забастовкада қатнашмаётирлар.

ЯПОНИЯ

ТОКИО. Японияда энг йирик портларнинг бири — Иокогама порти докерларидан тўрт минг киши ўтказган биринчи 26 соатлик забастовка тамом бўлди. Докерлар меҳнат шароитини яхшилаш учун курашмоқдалар. Портда турган 260 кемада юк ортиш-бўшатиш ишларининг ҳаммаси тўхтаб қолди.

Компаниялар ишчиларнинг талабларини қондиришдан бош тортадиган бўлсалар, докерлар яна забастовка ўтказиш ниятидадирлар.

УРУГВАЙ

НЬЮ-ЙОРК. Ассошиэйтед Пресс агентлигининг мухбири Монтевидео шаҳридан хабар беради: Уругвай пойтахтида гўшт музхоналарининг иш ташлаган ишчилари билан полиция ва солдатлар ўртасида бўлган тўқнашишлар натижасида 74 киши ярадор бўлди, 100 киши қамоққа олинди.

Ишчилар иш ҳақининг оширилишини талаб қилмоқдалар.

Мамлакатда биноқорлар, тўқимачилар, банк хизматчилари, кўн заводлари ишчилари ва газ саноати корхоналарининг забастовкалари ҳам давом этмоқда. (ТАСС).

Италия пойтахти — Рим шаҳри кўчасидан америка танки ўтиб бораяпти. Бу Италия шаҳарлари учун оддий воқеа бўлиб қолган.

А. Зайцев фотоси, (ТАСС фотохроникаси).

1967 ИИЛ УЧУН ГАЗЕТА ВА ЖУРНАЛЛАРГА ОБУНА ҚАБУЛ ҚИЛИШ ДАВОМ ЭТМОҚДА.

„ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ"ГА

обуна бўлишни унутманг!

Газетага обуна «Союзпечать»нинг ҳамма бўлимларида, почтальонлар, фабрика, заводлар, қурилишлар, муассасалар, олий ўқув юртлари, шунингдек колхоз ва совхозлардаги жамоатчи вакиллар томонидан қабул қилинади.

Обуна баҳоси: бир йилга 5 сўм 28 тийин, 6 ойга 2 сўм 64 тийин, 3 ойга 1 сўм 32 тийин.

Редактор ўринбосари
Т. РАСУЛЕВ.

Реклама ва Ғалоҳлар

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

14 ОКТЯБРДА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

Рус тилида: 16.00 — **Телевизион янгиликлар,** 18.20 — Москва мудофаасининг 25 йилларги олдидан. **Жанговар шон-шуҳрат йўлидан** (ёшлар учун), 19.00 — С. Ласкин. **Узганинг дарди** (телеспектакль).

20.15 — **Эртаги кун программаси.**

Ўзбек тилида: 20.20 — **Телевизион янгиликлар,** 20.35 — **Оқкўрғонликлар сўзлари устидан чиқадилар** (қишлоқ хўжалик ходимлари учун), 20.55 — Х. Тахмасиб. **Баҳор** (телетеатр), 23.05 — **Мард майдонда** (бадиий фильм).

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

Рус тилида: 17.00 — **Ялангбоқ гарнизон** (болалар учун фильм), 17.35 — **«Политотдел» колхози** (ҳужжатли фильм), 17.45 — **Салом, йўлдош** (телеочерк).

Ўзбек тилида: 18.00 — **Концерт** (болалар учун), 18.30 — **Беш йиллик илгорлари** (телеочерк), 18.50 — **СССР халқларининг хор қўшиқлари,** 19.20 — **Телефильм,** 19.40 — **Тошкент янгиликлари.**

19.50 дан — **Москва кўрсатади.**

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 14/X да **Хоразм қўшиғи,** 15/X да **Фауст.**

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА — 14/X да **Қотил,** 15/X да **Қирол Лир.**

КИНО

Уруш ва тинчлик — САНЪАТ САРОЙИ (кенг форматли рангли бадиий фильм, икки қисмдан иборат 1-серия, кеч соат 6-15 ва 9-15 минутда).

БИЛЕТЛАР СОТИЛМОҚДА.

Йилнинг уч фасли — «МОСКВА», «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқуруни).

Кураш ранглари — НАВОИЙ номли (эрталаб соат 10, 11-40, кундуз 1 ярим, 3-20 минут ва 5 да), САНЪАТ САРОЙИ (эрталаб 11, кундуз 1 ва 3 да).

Бешинчи тугун — НАВОИЙ номли (кеч соат 8-20 минут ва 10 да).

1967 йил январь ойидан «ОГОНЕК» ЖУРНАЛИ ТИПИДА ОЙЛИК ИЖТИМОИЙ-СИЕСИЙ, АДАБИЙ-БАДИИЙ, СУРАТЛИ

„ГУЛИСТОН"

ЖУРНАЛИ

Ўзбек тилида

ЧИҚА БОШЛАЙДИ

Обуна баҳоси: 1 йилга — 3 сўм 60 тийин, 6 ойга — 1 сўм 80 тийин, 3 ойга — 90 тийин.

Журналга обуна «Союзпечать» бўлимлари ва агентликларида, алоқа бўлимларида, шунингдек корхона ва ўқув юртларидаги жамоатчи матбуот тарқатувчилар томонидан қабул қилинади.

Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг Бирлашган нашриёти.

1966 йил 26 октябрь эрталаб соат 10 да, Тошкент политехника институти химия-технология факультетининг илмий совети мажлисида (Ўзбекистон кўчаси, 23-ўй) техника фанлари кандидати деган илмий даражани олиш учун

ДИССЕРТАЦИЯ ЕҚЛАЙДИЛАР

Т. М. Миркомилов: «Олинган целлюлозанинг химиявий таркибига циклон номери билан қисқа толали линтни химиявий тозалаш шароитининг таъсирини ҳамда бу целлюлозанинг ацетилцеллюлоза ва юқори сифатли қоғоз олишга яроқлигини текшириш» деган темада.

Г. С. Бальшина: «Усимлик хомашёсидан эфедрин олишнинг ноналмашув методини текшириш» деган темада.

Диссертациялар билан институт кутубхонасида танишиш мумкин.

«УЗМЯСОРИБТОРГ» ТОШКЕНТ ОБЛАСТЛАРАРО КОНТОРАСИГА

холодильникларда ишлаш учун:

электромонтерлар, электрокар ва электропогрузчик ҳайдовчилар, слесарлар, дурадгорлар, бўёқчилар, сувоқчилар, ветеринария врачлари, гўшт технологлари, бухгалтерлар, курьер, фактировкачи, юкчилар (ишбайга).

КЕРАК

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Олтинкўл кўчаси, 2-проезд, 115-ўй, кадрлар бўлими (7, 12, 17, 22, 87 автобус, 5 трамвайнинг «Рисовая» остановкаси).

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» («ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА») — Орган Ташкентского обкома КП Узбекистана, областного Совета депутатов трудящихся.

Бизнинг АДРЕС: Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, 26-ўй

РЕДАКЦИЯ ТЕЛЕФОНЛАРИ: Редактор — В35212. Редактор ўринбосарлари — В35885, В36232. Масъул секретарь — В34808. Пропаганда, адабиёт ва санъат бўлимлари — В31936. Партия турмуши — В35811. Саноат, транспорт ва қурилиш, ахборот ва спорт бўлимлари — В33786. Қишлоқ хўжалиги, фан, мактаб ва олий ўқув юртлари бўлимлари — В39050. Совет ишлари, маиший ва шаҳар хўжалиги бўлими — В38761. Хатлар ва оммавий ишлар бўлими — В34048. Эълонлар бўлими — В38142. Коммутатор — В30249 дан В30258 гача.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бирлашган нашриётининг босмахонаси, Тошкент шаҳри.

Р. 13997. ИНДЕКС 64969. Г. 1222.